

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЛМИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аслонова Лайло Олимовна

Тошкент давлат юридик университети

Конституциявий ҳуқуқ кафедраси

ўқитувчиси

aslonovalaylo@gmail.com

Интеллектуал ва маданий ҳуқуқлар инсоннинг иккинчи авлод ҳуқуқлари сирасига кириб, шахснинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва маданий ҳаётда иштирок этиш имкониятини таъминлайди. Юқоридаги параграфларда асослаб берилганидек бу ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эътироф этилган.

Қайд этиш зарурки бугунги кунда жамиятимизда интеллектуал фаолият ва маданий ривожланишнинг тобора ортиб бормоқда, айниқса давлатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида ижодий фаолият эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда уни халқаро стандартларга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро умумэътироф этилган тажрибага асосан илмий ижод эркинлигини ҳуқуқий тартибга солиш **икки йўналишда** амалга оширилади: **халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар** орқали (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқалар); **миллий қонунчилик** орқали (Конституция, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисол бўлади). Ушбу параграф

доирасида илмий ижодий фаолиятнинг миллий ҳуқуқий асосларини таҳлиliga эътибор қаратамиз.

Олимларнинг қайд этишича илмий ижод эркинлиги конституцияда асосий ҳуқуқ сифатида мустаҳкамланиши лозим. Christophe Geiger фундаментал ҳуқуқлар нуқтаи назаридан ёндашиб, “илмий ижод эркинлиги маданият ва илм-фан соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлар доирасида кўриб чиқилиши керак”¹ деган хулосага келган. Биз ҳам ушбу фикрга тўлиқ қўшиламиз.

Шунга ўхшаш ёндашув R.Albertнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилган бўлиб, унинг фикрича “илмий ижод эркинлиги - бу олимларнинг ўз тадқиқот йўналишини танлаш, тадқиқотларни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш борасидаги мустақиллигини таъминловчи конституциявий ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ миллий конституциялар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган”² деб қайд этилган. L.Henkin ҳам илмий ижод эркинлигини конституциявий ҳуқуқ сифатида мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, инсон ҳуқуқлари замонавий давлатлар конституцияларининг асосини ташкил этади³.

Умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган Янги Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади”⁴.

Мазкур Конституция нормаси шахснинг муҳим уч тоифа ҳуқуқларини белгилаб берганлигини кўриш мумкин: биринчи, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий кашфиётлар қилиш эркинлиги; иккинчи, техник ихтиролар яратиш ва

¹ Geiger C. Copyright as an access right: Securing cultural participation through the protection of creators' interests // Max Planck Institute for Innovation & Competition Research Paper. 2015. No.15-07. P.15

² Albert, R. (2019). Constitutional Amendments: Making, Breaking, and Changing Constitutions. Oxford University Press.

³ Henkin L. The Rights of Man Today. - Boulder: Westview Press, 1978. - P. 89-108.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 1 апрель. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

уларни амалиётга жорий этиш имконияти; учинчи, бадий асарлар яратиш ва уларни жамиятга тақдим этиш ҳуқуқи.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев қайд этганидек “Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади – инсон кадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир”, деб бежиз айтмаганлар. Кўриб турганимиздек, Конституциянинг ушбу моддаси инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида алоҳида ўрин тутиб, жамиятнинг маданий ва илмий-техникавий тараққиётининг ҳуқуқий асосини, илмий ижодий фаолиятнинг кафолатини белгилаб беради.

Ҳуқуқшунос олимларимиздан Х.Одилқориевнинг фикрига кўра: “Илмий ижод эркинлиги ва унинг Конституциявий кафолатлари бирламчи аҳамият касб этади. Зеро, ижод ҳар қандай соҳада, айниқса, илмий фаолиятда тараққиётнинг муҳим шартидир”⁵. Б. Seydullaevанинг фикрича: “Мамлакатда илмий-ижодий фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари мустаҳкамланган бўлиши лозим. Бу эса ижтимоий тараққиёт омилidir”⁶.

“Конституцияда бундай ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши ҳар қандай шахсга ижод билан эркин шуғулланиш ва ўз тафаккур маҳсулотларини ҳеч бир тўсиқсиз тарқатиш имкониятини беради”⁷.

Ушбу конституциявий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси билан ўзаро ҳамоҳангдир. Унга кўра, ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”⁸.

“Мамлакатда ижодий фаолиятни ривожлантириш, илғор интеллектуал фаолият натижаларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини

⁵ Одилқориев Х.Т. Конституция ва ижтимоий давлатчилик. Монография. – Тошкент: Юридик адабиётлар Publish, 2022. – Б. 396-400.

⁶ Seydullaeva B.E. Madaniyat va san'at sohasida boshqaruv usullari va xarakteri // Новости образования: исследование в XXI веке. – 2023. – №7(100). – С.803-808.

⁷ Худайбердиева Г.А. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари // Юрист ахборотномаси. 2021. №4. Б.64

⁸ Nasriyev A., Intellektual mulk sohasida ta'lim metodikasi va targ'ibotning muhim jihatlari // Pedagog Respublika ilmiy jurnali. 2024. №7(4). - B.351

модернизация қилиш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини замон талабларига мослаштириш”⁹ муҳим аҳамият касб этади.

И.Саифназаров таъкидлайдики: “Дунёвий давлатда фуқароларга таълим олиш, шахсий ривожланиш йўлини мустақил танлаш имкониятини яратиш ҳамда илм-фан ва маданий тараққиётда ижодий эркинликни таъминлашни кўзда тутади”¹⁰. “Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олди”¹¹. Муаллифларнинг таъкидлашича, илмий ижод эркинлиги учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, бу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан илмий-ижодий фаолият эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ кафолатлаш имконини беради.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, илмий ижод эркинлиги конституциявий ҳуқуқ сифатида давлат томонидан кафолатланади ва ҳимоя қилинади. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши илмий-тадқиқот фаолиятининг эркин олиб борилиши, илмий натижаларнинг холис баҳоланиши ва уларнинг жамият манфаатлари йўлида қўлланилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда илмий ижодий эркинликни таъминлаш бўйича миллий ҳуқуқий асослар тизимли равишда қуйидаги муҳим ҳужжатларда ўз аксини топган:

Биринчи ҳуқуқий асос сифатида ушбу соҳадаги махсус қонунларни кўрсатиш зарур. 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатда илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва унинг

⁹ Абдурасулов, М., Маматкулов, К. (2023). Халқаро доирада интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлашни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таснифи ва моҳияти. Педагоглар учун, 50(1), 138-143.

¹⁰ Саифназаров И. Янгиланган Конституция-дунёвий давлат ривожининг ҳуқуқий асоси // Фалсафа ва ҳуқуқ. - 2023. - №2. - Б.3

¹¹ Абдухафизов С.Н. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш – ҳуқуқий ислохотларнинг бош мақсади // Янги Ўзбекистон илмий тадқиқотлар журнали. - 2024. - №3. - Б.19

механизмларини белгилаб берди. Бу қонун илмий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари, илмий фаолиятни молиялаштириш механизмлари, илмий кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий қоидаларини ўрнатди¹². Ушбу соҳадаги иккинчи махсус қонун сифатида 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўрсатиш мумкин. Унда таълим тизимида илмий фаолиятни амалга ошириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, таълим ва илм-фан интеграциясини таъминлаш масалаларини тартибга солинган¹³.

Иккинчи ҳуқуқий асос сифатида 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, илмий салоҳиятни ошириш бўйича узоқ муддатли стратегик мақсадларни белгилади¹⁴. Бу ҳужжат олий таълим муассасаларида илмий фаолият эркинлигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишни белгилайди.

Учинчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг қисқа муддатли мақсадларини белгилади¹⁵. Бу ҳужжат илмий-тадқиқот фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг дастлабки фундаментал асосларини яратди.

¹² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон // <https://lex.uz/docs/4571490>

¹³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон // <https://lex.uz/docs/5013007>

¹⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон // <https://lex.uz/docs/4545884>

¹⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон // <https://lex.uz/ru/docs/4751561>

Тўртинчи муҳим ҳужжат – 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармон билан тасдиқланган “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” илмий-тадқиқот фаолиятини янада эркинлаштириш, илмий муассасалар мустақиллигини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутди. Ушбу ҳужжат бевосита илмий-тадқиқот фаолиятини эркинлаштириш, илмий муассасалар мустақиллигини кенгайтириш, илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларни қамраб олади¹⁶.

Навбатдаги муҳим **стратегик ҳужжатлар сифатида** 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармон билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” илмий-инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ўрта муддатли истиқболларини белгилади¹⁷. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси илмий-инновацион фаолиятни янада ривожлантириш, илмий ижодкорлик учун кенг имкониятлар яратиш ва рағбатлантиришни назарда тутди. 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030 стратегияси” эса мамлакатда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадларини янада аниқлаштирди ва кенгайтirdи¹⁸.

Бу ҳужжатлар тизими илмий ижодий эркинликни таъминлашнинг мустақкам ҳуқуқий пойдеворини яратди. Улар бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради, шунингдек, илмий фаолиятни ташкил этишнинг барча жиҳатларини қамраб олади.

Ушбу ҳужжатлар умумий йўналишига кўра илмий ижод соҳасидаги Ўзбекистонни **қисқа ва узоқ муддатли** ривожланишининг устувор ва стратегик йўналишларини белгилаб берган:

¹⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2020 й., 06/20/6097/1431-сон // <https://lex.uz/uz/docs/5073447>

¹⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>

¹⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон // <https://lex.uz/docs/6600413>

- илмий-тадқиқот муассасаларининг молиявий ва маъмурий мустақиллигини кенгайтириш;
- илмий фаолиятни молиялаштиришнинг кўп манбали тизимини жорий этиш;
- илмий кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш;
- илмий натижаларни тижоратлаштириш механизмларини такомиллаштириш;
- халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш;
- илмий инфратузилмани модернизация қилиш.

Юқоридагилардан ташқари илмий ижод фаолиятини барча босқичлари ва уни амалга оширишни белгилаб берувчи бир қатор қонуности ҳужжатлар ҳам борлигини қайд этиш зарур. Уларга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹⁹, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида Низом²⁰ ҳамда 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомларни²¹ кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат илмий ижодий эркинликнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди, балки уни амалга ошириш механизмларини ҳам назарда тутди. Шу билан бирга, улар Ўзбекистонда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларини белгилаб беради.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 396-модда // <https://lex.uz/docs/3213410>

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 569-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/2894-1/0445-сон // <https://lex.uz/docs/3244217>

²¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда, 39-сон, 465-модда // <https://lex.uz/docs/2971437>

Ушбу ҳужжатлар орасидан илмий ижод эркинлигини белгилаб берувчи махсус қонунлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни илмий ижод ҳуқуқини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос саналади²². Тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганларидек, “Ушбу қонунда илмий ижод ва ахборот эркинлиги, самарадорлик ва ижодий рақобат – фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланди”²³.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунининг 3 ва 4-моддалари илмий ижод эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи муҳим нормалар ҳисобланади. Қонуннинг 3-моддасида илмий ижод ва ахборот эркинлиги принципи илк маротаба қонунчилик даражасида келтирилган бўлиб, бу давлатнинг илмий-тадқиқот фаолияти эркинлигига берган юксак эътиборининг ифодасидир. Бу принцип орқали тадқиқотчиларнинг илмий изланиш йўналишини мустақил танлаш, илмий қарашларини эркин ифода этиш ва илмий натижаларини кенг жамоатчиликка тақдим этиш ҳуқуқлари кафолатланди.

Илмий ижод эркинлиги ҳуқуқи ушбу қонуннинг 4-моддасида белгиланган бир қатор йўналишлар билан ҳам бевосита боғлиқ. Жумладан, ушбу моддадаги қоидалар илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш йўналиши илмий ижод эркинлигини рағбатлантирувчи муҳитни яратишга қаратилган. Бу эса ўз навбатида ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш ва ёш истеъдод эгаларини тайёрлаб бориш йўналиши билан узвий боғланади. Илмий ижод эркинлигининг амалий натижаси сифатида яратилган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳам қонунда алоҳида йўналиш сифатида белгиланган.

²² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон // <https://lex.uz/docs/4571490>

²³ Акбарова, А., Собиров, Х. (2023). Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари. Коканд университети, 123-127.

Илмий ижод эркинлиги принципининг самарали амалга оширилиши илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилона ошириб бориш йўналиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки молиявий мустақиллик илмий ижод эркинлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қонунда давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш йўналишининг белгиланиши илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва шу орқали илмий ижод эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади²⁴.

Қайд этиш зарурки, илмий ижод эркинлиги глобал характерга эга бўлиб, у миллий чегаралар доирасига сиғмайди. Шу боис, қонунда илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан узвий боғлиқлигини таъминлаш каби йўналишларнинг белгиланиши илмий ижод эркинлигининг халқаро миқёсда амалга оширилишига шароит яратади.

Қонунда белгиланган илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш йўналиши илмий ижод эркинлигининг натижаларини амалиётга жорий этиш механизмини яратишга қаратилган. Бу эса илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг амалий аҳамиятини оширади ва илмий ижод эркинлигининг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Умуман олганда, қонуннинг ушбу моддаларида илмий ижод эркинлиги нафақат асосий принцип сифатида эътироф этилган, балки уни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ҳам белгилаб берилган. Бу эса миллий илм-фан тизимида илмий ижод эркинлигини тўлақонли таъминлаш ва шу орқали илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси илмий фаолиятнинг моҳияти, мазмуни ва турларини белгилаб берувчи муҳим норма ҳисобланади. Мазкур модда илмий фаолиятни

²⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон // <https://lex.uz/docs/4571490>
www.pedagoqlar.uz

борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият сифатида таърифлайди²⁵. Бу таъриф илмий фаолиятнинг икки муҳим жиҳатини - янги билимлар олиш ва уларни амалиётда қўллашни қамраб олади.

Қонунда илмий фаолиятнинг асосий мақсади объектлар, ҳодиса ва жараёнларнинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш эканлиги кўрсатилган. Бу эса илмий фаолиятнинг системали ва мақсадли характерга эга эканлигини англатади. Илмий фаолият доирасида олинган билимлар тасодифий кузатиш ёки тахминлар эмас, балки тизимли тадқиқотлар натижаси эканлигига урғу берилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар асосида қуйидаги илмий-назарий ва қонунчиликка оид таклифларни бериш мумкин:

Биринчидан, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики Ўзбекистонда илмий ижод эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари тизими илмий ижодий эркинликни таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади. Улар бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради, шунингдек, илмий фаолиятни ташкил этишнинг барча жиҳатларини қамраб олади. Ушбу ҳужжатлар умумий йўналишига кўра илмий ижод соҳасидаги Ўзбекистонни **қисқа ва узоқ муддатли** ривожланишининг устувор ва стратегик йўналишларини белгилаб берган.

Иккинчидан, илмий ижод эркинлигининг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Амалдаги қонунчиликда илмий ижод эркинлигининг аниқ таърифи мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунда “илмий ижод эркинлиги” тамойил сифатида тилга олинган бўлса-да, унинг ҳуқуқий мазмуни очиб берилмаган. Бу эса амалиётда турли талқинларга олиб келиши мумкин. Масалан, бир илмий муассаса илмий ижод эркинлигини кенг маънода талқин қилса, бошқаси тор доирада тушуниши мумкин. Бизнингча, “илмий ижод эркинлиги” тушунчасининг

²⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон // <https://lex.uz/docs/4571490>
www.pedagoglar.uz **39-son 1-to'plam Yanvar 2025**

қонуний таърифини ишлаб чиқиш лозим. Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига **“илмий ижод эркинлиги - бу шахснинг илмий-тадқиқот фаолиятини эркин танлаш, амалга ошириш ва натижаларини тарқатиш бўйича конституциявий кафолатланган ҳуқуқи бўлиб, у давлат томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий жиҳатдан таъминланади”**, деган мазмунда норма киритиш таклиф қилинади. Бу таъриф илмий ижод эркинлигининг асосий элементларини ўзида мужассам этган бўлиб, уни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, илмий ижод эркинлигининг таркибий элементларини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш таклиф қилинади. Бунда тадқиқот йўналишини танлаш эркинлиги, методологияни танлаш эркинлиги, илмий натижаларни эълон қилиш эркинлиги, илмий ҳамкорликни амалга ошириш эркинлиги ва илмий мулоқот ҳамда мунозара эркинлиги каби элементларни қамраб олиш лозим. Бу элементларни “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида алоҳида банд сифатида мустаҳкамлаш керак.

Тўртинчидан, илмий даражалар бериш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 304-сонли қарорига ва Олий аттестация комиссиясининг тегишли низомларига ўзгартиришлар киритиш талаб этилади. Хусусан, диссертация мавзусини танлаш мезонларини либераллаштириш, илмий мақолаларга қўйиладиган талабларни халқаро стандартларга мослаштириш, диссертацияни ҳимоя қилиш жараёнини соддалаштириш ва хорижий илмий даражаларни тан олиш тартибини енгиллаштириш зарур. Шунингдек, илмий раҳбарлик институтини такомиллаштириш, диссертация тайёрлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акбарова, А., Собиров, Х. (2023). Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари. Коканд университети, 123-127.
2. Абдурасулов, М., Маматкулов, К. (2023). Халқаро доирада интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлашни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таснифи ва моҳияти. Педагоглар учун, 50(1), 138-143.
3. Саифназаров И. Янгиланган Конституция-дунёвий давлат ривожининг ҳуқуқий асоси // Фалсафа ва ҳуқуқ. - 2023. - №2. - Б.3
4. Худайбердиева Г.А. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари // Юрист ахборотномаси. 2021. №4. Б.64
5. Henkin L. The Rights of Man Today. - Boulder: Westview Press, 1978. - P. 89-108.
6. Geiger C. Copyright as an access right: Securing cultural participation through the protection of creators' interests // Max Planck Institute for Innovation & Competition Research Paper. 2015. No.15-07. P.15